РНТБ ЎЗИНТИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 249 (2233).
23 СЕШАНБА ОКТЯБРЬ 1973 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

▲ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЙИЛНИНГ МЕҲНАТ ВАХТАСИ

Марра яқинлашмоқда

Тўққизинчи беш йилликнинг қолган йиллари топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида фаол қатнашаётган «Учқун» тўқимачилик галантерея фирмаси ишчилари қувончли кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Ўн ойлик план топшириқларини муддатидан илгари муваффақиятли бажарган коллектив

Бугун

ноябрь программасини адо этишга киришди. Фирма меҳнатчилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ой охиригача яна 140 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ва савдо шоҳобчаларига реализация қилишга қарор қилдилар.

Октябрь байрами, Ўзбекистон ССР ва Республика Компартиясининг ярим асрлик олтин тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ғайратга-ғайрат қўшиб ишлаётган корхона коллективи тежамкорликда ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Бу соҳадаги амалга оширилган тадбирлар туфайли бир ярим миллион сўм фойда кўрилди. Тежамкорлар биргина учинчи квартал давомида 4,7 тонна ип маҳсулотлари, 4,4 минг метр ҳар хил ипак, жун ва капрон материалларини иқтисод қилиб қолдилар.

Коллектив муваффақиятини таъминлашда вақтдан ўзиб ишлаётганларнинг муносиб ҳиссаси бўлмоқда. М. Расулова, В. Кенаврова, В. Сорокина, М. Рамакаева, Т. Соловьева каби фирманинг ўнлаб ишлаб чиқариш машъаллари беш йилликнинг тўртинчи йили шахсий план топшириқларини бажариш арафасида турибдилар. Ҳозирги вақтда бу ерда 250 га яқин тикувчи ва тўқувчи вақтни анча орқада қолдирган ҳолда ишлаяпти.

Меҳнат зафарларимиз Улуғ Октябрга! Ана шу шиор асосида ишлаётган чеварлар соат сайин суръатни-суръат қўшиб йиллик марра сари интиляптилар.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар Комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитетида

Мусобақа илғорлари

ШАҲАРДАГИ РАЙОНЛАР, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА ВА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАР ИНИНГ 1973 ЙИЛ УЧИНЧИ КВАРТАЛИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА.

Тошкент шаҳридаги районлар, саноат корхоналари, транспорт, алоқа ва қурилиш-монтаж ташкилотлари коллективларининг 1973 йил учинчи кварталидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиққан шаҳар партия комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижория комитети Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини Октябрь районига (район партия комитетининг секретари Т. С. Содиқов, район ижроия комитетининг раиси Ғ. Абдурасулов, район комсомол комитетининг секретари Б. Камолов) беришга қарор қилинди. Бу район саноат маҳсулоти реализацияси планини 103,3 процент, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 103,5 процент, меҳнат унумдорлиги топшириғини 104,4 процент бажаришга, шунингдек, маҳсулот таннархини анча камайтиришга эришган.

Собир Раҳимов, Ленин, Куйбишев ва Ҳамза районлари ишчи коллективларининг яхши ишлаганликлари қайд қилиб ўтилди.

Энг яхши кўрсаткичларга эришган 38 саноат, транспорт ва алоқа корхоналари, шунингдек, 17 қурилиш ва шаҳар хўжалиги ташкилотлари коллективларини эса шаҳар ҳурмат тахтасига ёзишга тавсия этилди.

Тонгги газеталарда

◆ Ўзбекистон ССР саноати 1973 йил тўқиз ойлик давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотн эълон қилинган. Ўзбекистон ССР саноат ходимлари тўққизинчи беш йиллликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили планини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, тўқиз ойлик планни маҳсулотни реализация қилиш ҳажми бўйича ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш бўйича ошириб адо этдилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1972 йилнинг январь-сентябридагига нисбатан 7 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги саноатда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,9 процент ошди, дейилади ахборотда.

◆ Ўзбекистон пойтахти тинчликсевар кучларнинг Москвада очиладиган Жаҳон конгресси қатнашчиларини шодиёна кутиб олди. Ҳиндистоннинг таниқли жамоат, илмий ва давлат арбобларидан 159 киши 21 октябрда махсус самолётда Тошкентга келди. Ҳиндистонлик конгресс қатнашчилари шаҳримизда бир неча кун бўладилар.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ватан қудратининг ва халқ фаровонлигини ўстиришнинг негизи бўлган социалистик экономикани янада юксалтириш учун сабот билан курашингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

Шаҳримиздаги пиллакашлик фабрикасининг аҳил коллективи беш йиллиннинг ҳал қилувчи учинчи зарбдор йили планларини муддатидан олдин бажариш учун курашмоқда. Сиз суратда кўриб турган Зулфия Абдиева шу фабриканинг калавалаш цехида 10 йилдан бери ишлайди. Коммунистик меҳнат зарбдори Зулфиахон ҳозир 1974 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР

Бугун

РЕСПУБЛИКА КИТОБ САВДОСИ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ КИТОБ-ПОЧТАСИ БЎЛИМИ КОЛЛЕКТИВИ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРГАНЛИГИ ҲАҚИДА РАПОРТ БЕРДИ.

Шу муносабат билан бўлим бошлиғи Намуна Ҳайдарова қуйидагиларни маълум қилди.

— Совет Иттифоқининг барча республикаларидаги китобхонлар Тошкентда нашр этилаётган сиёсий илмий, бадиий китобларни қизиқиш билан олмоқдалар. Биз ҳар ойда мамлакатимизнинг юздан ортиқ шаҳрига буюртма бўйича китоблар юборамиз. Бугунги кунгача 142 минг 500 сўмлик маҳсулот турли адресларга жўнатилди. Шундан 43 минг сўмлик китоблар эса жаҳондаги кўпгина мамлакаларга юборилди. Ўзбек китобларини барча социалистик мамлакатлар, шунингдек, АҚШ, Франция, Англия, ГФР, Ҳиндистон, Эрон каби 40 га яқин мамлакатларнинг илмий марказлари, кутубхоналари, олимлари сотиб олмоқдалар. Яқин кунларда бу адресларга ўзбек Совет Энциклопедиясининг 3-томи, Абу Райҳон Беруний танланган асарларнинг 4 ва 5-томлари, «Афросиёб» китобининг 2-жилди, шунингдек, математика, физика, геология, химия ва пахтачиликка доир китоблар юборилади.

Коллективимиз йил охиригача йиллик планга қўшимча 35 минг сўмлик буюртмани бажаришга аҳд қилган.

ЛОБАРЛАР ҒАЛАБАСИ

Бугун

Устки трикотаж фабрикаси коллективи ҳал қилувчи йилнинг ўн ойлик план топшириғини бажарганлиги ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекди.

Кам маблағ сарфлаб кўплаб, сифатли маҳсулот тайёрлаш учун курашаётган корхона лобарлари ўтган даврда 1 миллион 600 минг донадан ортиқ трикотаж буюмлари тайёрлаб савдо шоҳобчаларига юборишди. Бу планда белгиланганида 15 минг дона кўпдир. Тайёрланаётган маҳсулотнинг 83 процентга яқини аъло сортларга қабул қилинди.

Чеварлар йил бошида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларида планга қўшимча 350 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади деб кўрсатилган эди. Зарбдор вахтада юксак унум билан меҳнат қилаётган фабрика лобарлари ҳозиргинг ўзидаёқ 420 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари кўп ишлаб чиқариб, буюртмачиларни хурсанд қилдилар.

Тежамкорлик ҳаракати беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам, чеварлар материаллардан тежаб-тергаб фойдаланишга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширдилар. Натижада, шу кунга қадар иқтисод қилиб қолинган хомашёдан 250 минг сўмлик трикотаж буюмлари тайёрланди. Бу билан улар йиллик социалистик мажбуриятда белгиланган маррани эгалладилар. Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан фабрика тежамкорлари йил охиригача яна юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга етадиган материални иқтисод қилиб қолишга қарор қилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан руҳланган лобарлар ҳозир байрамолди меҳнат беллашувини қизғин давом эттиряптилар. Коллективлар ўртасидаги социалистик мусобақада тўқув ва 1-тикув цехи коллективлари байроқдор бўляптилар.

Ҳозир корхонада 22 артикулнинг 50 га яқин фасони бўйича болалар, эркаклар, хотин-қизлар кийим-кечаклари тикилмоқда. Буюртмачиларнинг истаклари ҳисобга олинган ҳолда ўтган ойларда 8 фасондаги буюмлар бежиримлари билан алмаштирилди.

Лобарларнинг трикотаж буюмлари сифатини яхшилаш борасидаги ураши яхши натижалар бермоқда. Тоза жундан тайёрланган болалар камзулига Давлат Сифат белгиси берилганлиги коллективнинг катта ғалабаси бўлди. Шу кунларда улар яна нкки буюмни Сифат белгисини олиш учун давлат комиссиясига топширдилар.

Зарбдор йилнинг қолган даврида ҳам корхона чеварлари олдида масъулиятли вазифалар турипти. Камида бир ярим миллион сўмлик бежирим либос тайёрлаб, мижозлар хушнуд қилишиш керак. Соат сайин иш суръатини жадаллаштираётган коллективнинг асосий эътибори йиллик маррани 10 декабрдан кечга қолмай эгаллашга қаратилган.

Беш йиллик уч йилда

Мана, бир ҳафтадирки, 3-ғишт заводлар бошқармаси аҳил коллективи ҳал қилувчи йилнинг 11 ойи ҳисобига қурилиш материаллари ишлаб чиқарапти. Улуг Октябрнинг 56 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун меҳнат беллашувини қизғин давом эттираётган корхона ишчилари 10 ойлик план топшириғини муддатидан 12 кун олдин муваффақиятли бажарганликлари ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. Шу даврда 32,5 миллиондан ортиқ ғишт тайёрланиб, шаҳримиз қурилишларига етказиб берилди. Бундан ташқари, коллектив бир неча минг куб метр пардозлаш плиталари ишлаб чиқарди.

Ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқкан ишчилар ой охиригача планга қўшимча яна 67 минг сўмлик қурилиш материаллари тайёрлаб беришга аҳд қилишди. Уларнинг суръатини шу тезликда олиб борсалар, 20 декабрда ҳал қилувчи йил программасини муваффақиятли бажарадилар. Бу — йил бошида олинган мажбуриятда белгиланганидан беш кун олдин деган сўздир.

Яна бир муҳим воқеа. Ғишт заводлар бошқармаси бу йил декабрь ойида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича беш йиллиннинг охирги йилига мўлжалланган маррани босиб ўтадилар. Коллективнинг меҳнат зафарларини таъминлашда вақт билан беллашиб ишлаётган пешқадамларнинг арзигулик улуши бўляпти.

Х. Қулбоев раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари коллективлар ўртасидаги социалистик мусобақада байроқдор бўлаётир. Якка тартибдаги меҳнат беллашувида ишчилардан З. Турғунбоева, К. Ильмухина, Р. Близова, Н. Аҳмадшина каби ўнлаб ишлаб чиқариш илғорларининг қўллари баланд келяпти.

Бадал Ғуломов шаҳримиздаги «Строймеханизация» трестига қарашли 3-механизация бошқармасининг моҳир автокранчиси. У ўзининг фидойорона меҳнати билан қурувчилар жонига аро кирмоқда.

И. Шоиноғомов фотолари.

Бизнинг интервью

Харидорлар талаби билан

Бутуниттифоқ кенг истеъмол буюмлари доимий павильонининг Ўзбекистон филиалида саноат корхоналари мутахассисларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон корхоналарининг вакиллари билан бирга Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон мутахассислари ҳам қатнашдилар. Филиал директори М. Р. Ражабова мухбиримиз га Тошкентдаги корхоналарда яқин ойларда ишлаб чиқарилган кенг истеъмол буюмларининг намуналари ва уларнинг миқдори ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

— Филиалда бўлиб ўтган мутахассислар кенгашида,— деди у,— Тошкентдаги бир қатор фабрика, фирма, заводларнинг мутахассислари қатнашдилар.

2-тикувчилик фабрикаси ясли ва мактабгача ёшдаги қиз болалар учун мўлжалланган етти хил намунасини намойиш қилди. Бу маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун тавсия қилинди. Йил охиригача ана шу маҳсулотлардан 17 мингтаси ишлаб чиқарилади.

Модалар уйи чеварлари сотувга ҳаммаси бўлиб 6 мингга яқин маҳсулот чиқаришмоқда. Албатта, бу харидорлар талабини қондира олмайди.

Ўзингизга маълумки, бизнинг павильонда кенг истеъмол молларининг 15 минг намунаси доимий намойишга қўйилган. Корхоналаримиз мутахассислари ана шу маҳсулотларни ўрганиб ўзлаштирсалар, айни муддао бўлур эди. Чарм — галантерея фабрикасиси филиалидаги маҳсулотларнинг намунаси асосида аёллар сумкалари ва папкаларининг беш хил намунаси ўзлаштирилди. «Сувенир» фабрикаси келгуси йилдан бошлаб совғабоп ва манзарали вазаларни ишлаб чиқара бошлайди. «Компрессор заводи бўлса зангламайдиган пўлатдан сковоротка, қоп-қоғли ёғлоғи, шамдонлар ишлаб чиқаради. Машинасозлар келгуси йилда ана шу маҳсулотлардан юз минг донасини магазинларга етказиб беради.

Устки трикотаж кийимлари фабрикаси ва трикотаж фирмаси маҳсулотлари сифати йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Мутахассислар бу тикувчилик корхоналарида тайёрланган болалар костюмлари, свитер ва бошқа либосларнинг намуналарига ижобий баҳо бердилар.

«Миконд» заводининг мутахассислари рангли биллур идишларнинг олти хил намунасини муҳокамага тавсия этдилар.

Шаҳар — қишлоққа

ХУШНУД ЭТИБ

Чилонзор райони маданият бўлими Сирдарё областининг Боёвут райони пахтакорларига хизмат кўрсатмоқда. Махсус агитбригада Усмон Юсупов ва Глиэр номли маданият уйларининг ҳаваскорларидан ташкил топган. Район маданият бўлими автоклуби ҳам ана шу бригадага бириктирилди.

Бадиий ҳаваскорлар «оқ олтин» далаларида меҳнат қилаётган пахтакорлар ва шаҳарлик ҳашарчилар ҳузурида бўлдилар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

◆ ДОРУССАЛОМ. Бирлашган Танзания Республикаси Исроил билан дипломатия алоқаларини узди. Ташқи ишлар министрлигининг бу ерда эълон қилинган баёнотида, «араб территорияси қонунга хилоф равишда оккупация қилиб турган Исроил билан Танзания дипломатия муносабатларини сақлаб ололмайди», деб ҳисоблаб ўтилади.

◆ НАЙРОБИ. Ҳозирги вақтда Кениянинг аҳолиси 12,5 миллион кишидан иборат, деб хабар беради Марказий статистика бюроси. Кения мустақил, деб эълон қилинган 1963 йилдан кейин ўтган давр мобайнида аҳолининг сони 3,5 миллион кишига кўпайди.

◆ ДАКАР. Гвинея — Бисауининг озодлик армияси мамлакатнинг бир қанча мустаҳкамланган районларида ўрнашиб олган Португалия босқинчиларига қарши ҳужум операцияларини муваффақиятли равишда ривожлантирмоқда.

Гвинея ва Яшил Бурун ороллари мустақиллиги африкаликлар партияси Африкадаги мана шу мамлакат халқининг қуролли курашига бошчилик қилмоқда. Шу партиянинг бу ерда эълон қилинган ахборотида айтилишича, Катио, Канжадудо ва фронтнинг бошқа участкаларида душманнинг қамал қилиб қўйилган гарнизонларига қарши олиб борилаётган жангларда португалияликларнинг жонли кучи ва техникасига катта талафотлар етказилди. Португалияликларнинг бир вертолёти уриб туширилди ва қамал қилиб қўйилган мустамлакачиларга мадад тарқаси Бисаудан юборилган десантлар батамом яксон қилинди.

Шу ойнинг бошида, дейилади ахборотда, шимолий, шарқий ва жанубий фронтларда қамал қилинган гарнизонлар каттиқ тўпга тутилди ва бу гарнизонлар ўзларининг асосий базаларидан батамом яккаланиб қўйилди.

◆ ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Орисса штатида давом этаётган тошқин натижасида 45 киши ҳалоқ бўлди, деҳқонларнинг 60 минг уй-жойи бузилди. Қишлоқ хўжалигига катта зарар етди. Эълон қилинган расмий маълумотларга қараганда, Майюрбхани районининг ўзидагина 30 минг гектар ердаги ҳосил нобуд бўлган.

Штат ҳукумати зарар кўрган аҳолига ёрдам ташкил қилди.

(ТАСС).

Ҳамшаҳарлар, сизлар учун

Картошкани вақтида ғамланг

15 октябрда РСФСРдан Тошкентга келтирилаётган картошкаларни етказиб бериш плани муддатидан икки ҳафта олдин бажарилди. Ҳамшаҳарларимиз ҳар дақиқаларимиз неъматидан 72 минг тонна, пландагидан 7 минг тонна ортиқ картошка олдилар.

Мева-сабзавот комбинатлари, картошка сақланадиган омборхоналар ва «Ташплодоовощ» бирлашмасига қарашли 8 та ўлгуржи чакана савдо конторасидагилар бу дала неъматини ўз вақтида, керакли жойга етказиб беришлари керак.

Бу ишларнинг ҳаммаси шаҳримиздаги учта мева сабзавот комбинатида механизмлар ёрдамида бажарилмоқда. Бинолар микроқлимни сунъий равишда меъёрича сақлаб турувчи ускуналар билан жиҳозланган. Бу омборхоналарда қишга 20 минг тонна картошка сақлаш мумкин. Худди шунча картошка узоқ муддатда бошқа омборхоналарда ҳам қўл меҳнати билан сараланиб сақланмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, сабзавот омборхоналаридаги ишчилар картошкаларни қисқа муддат ичида қўл меҳнати билан йиғиштириб олишлари қийин, албатта. Россиядан келтирилаётган картошкаларнинг бир қанча қисми бугунги кунда очиқ ҳавода ётибди. Ҳадемай ёмғирли кунлар бошланади. Шунинг учун, бу дала маҳсулотини тезда усти берк бўлган ерларга жойлаштириш керак.

Картошкаларни саралаш учун партия ва совет органлари ҳамшаҳарларимиздан 5 минг кишини ажратишди. Ленин, Октябрь, Фрунзе ва Ҳамза районларидаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари бу ишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Технология техникуми студентлари 3-мева-сабзавот комбинатида ишлаяптилар. Бу ерда шу техникум раҳбарларининг ташкилотчилиги туфайли ҳамма ишлар кўнгилдагидек бораяпти. 1-мева-сабзавот комбинатида октябрь ойининг биринчи 15 кунлигида Тошкент Марказий универмаги сотувчилари яхши ишлашди.

Эндиги вазифамиз, темир йўллардаги юзга яқин картошкали вагонларни бўшатишдир. «Тошплодоовощ» бирлашмаси раҳбарлари транспортдан бўш туриб қолишига йўл қўймасликлари керак.

Д. ПОЛЕВОЙ.

Тошкент — мамлакатга

ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР

Полиграфия корхоналарини лойиҳалаш Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтининг Тошкент филиали коллективи мамлакатимизнинг кўпгина ўлкаларидан олинаётган буюртмаларни бажариб бермоқда.

Филиал архитекторлари, инженерлари, Олмаота шаҳри учун тайёрлаб берган китоб базаси комплекси лойиҳаси замонавийлиги, ишлаб чиқариш қуввати-нинг юқорилиги билан диққатга сазовор. Ундаги кенгайтирилган комплекс фойдаланишга топширилди. Комплексда улгуржи китоб базасининг тўрт қаватли биноси бор. Иккинчи корпус беш қаватли бўлиб, унда асосан область китоб базаси ва бибколлектор жойлашади. Учинчи корпус эса маъмурий идоралар, китоб магазинлари ва аптека учун мўлжалланган.

Китоб базаси комплекси бир йилда 3 миллион сўмлик маҳсулотни оборот қилади.

Филиал лойиҳачиларининг кейинги пайтларда Олтой, Нижний Тагил, Тольятти, Жанубий Сахалин, Ашхобод, Днепропетровск, Бекобод, Янгийўл, Красноводск, Махачқалъа шаҳарлари учун лойиҳалар ишлаб беришди.

Шу кунларда Тошкентдаги грампластинка заводининг бўлажак корпуси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу корпусда бир йилда юз миллион донага яқин босма маҳсулотларни тайёрланади.



СУРАТДА: Тольятти учун мўлжалланган босмахона лойиҳаси макети.

ҲАМЗАЛИКЛАР ТОРТИҒИ

Ҳамза райони саноат корхоналари механизаторлар группаси Сирдарё областидаги «Пахтакор» райони хўжаликларида машина теримида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Шаҳарлик ҳар бир механизатор кунига 10 тонналаб «оқ олтин»ни хирмонга тўкмоқда. Шу кунгача, улар ҳисобига ёзилган «оқ олтин» дурдонаси бир ярим минг тоннага етди.

Райондаги олий ўқув юртлари, техникумлар, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ҳам Сирдарёнинг Октябрь районидаги хўжаликларда пахта термоқдалар. Улар ҳар куни давлат хирмонига 70 тоннага яқин пахта тўкишаяпти.

Бугун

ҲАШАРЧИЛАР ТЕРГАН ПАХТА 2 МИНГ ТОННАГА ЕТДИ. УЛАР МАВСУМ ОХИРИГАЧА ЯНА БИР НЕЧА МИНГ ТОННА ДУРДОНА ТЕРИБ БЕРИШАДИ.

ЎТ ОЧИШНИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА БУЙРУҚЛАР

ҚОҲИРА, 22 октябрь. (ТАСС). Миср Президенти Анвар Садат БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Яқин Шарққа доир резолюциясини диққат билан ўрганиб чиқди, деб хабар қиладн Қоҳира радиоси. А. Садат резолюция низомларига мувофиқ Миср армиясига ўт очишни тўхтатиш тўғрисида буйруқ берди.

НЬЮ-ЙОРК, 22 октябрь. (ТАСС). Тель-Авивдан олинаётган хабарларга қараганда Исроил ҳукуматининг вакили баёнот эълон қилиб, унда Миср қуролли кучларига хавфсизлик кенгашининг ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги резолюциясига мувофиқ ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисида буйруқ берилганлигидан хабардор эканлигини билдирди. Исроил ҳукумати қўшинларига исроил вақти билан бугун кечқурун соат 18 дан 52 минут ўтганда (Москва вақти билан соат 19 дан 52 минут ўтганда) ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисида буйруқлар берган.

● *Партия қарорлари амалда*

ФАОЛЛИК — САМАРАДОРЛИК ДЕМАК

159-ҚУРИЛИШ трестининг партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети май (1972 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II Пленуми қарорларини бажариш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширди. 8 цех бошланғич партия ташкилотидан ташкил топган партия комитетимиз ўз сафида 280 коммунистни бирлаштирган. Ана шу партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қабул қилинган «Партия ҳужжатларини алмаштириш тўғрисида»ги қарорнинг ўрганиш, партия ҳужжатларини алмаштириш тайёргарлик ва уни ўтказиш даврида коммунистлар ва партиясиз активларнинг фаоллиги ва принципиаллиги бир мунча ошди.

Октябрь район партия комитетида биринчи бўлиб бизнинг ташкилотимиздаги коммунистларга партия ҳужжатларини алмаштириш топширилди. Ана шу юксак ва масъулиятли, снёсий аҳамиятга эга бўлган топшириқни коммунистларимиз ва бутун трест коллективи амалий ишлар билан мустаҳкамлади.

Улар партия ҳужжатларини алмаштириш даврини беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йил биринчи кварталида планга қўшимча 5540 квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топириш билан кутиб олдилар. Шу даврда социалистик мусобақа голиби бўлиб чиққан коллективимиз Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика комитетининг кўчма Қизил байроғи трестда қолдирилди. Бош пудрат ишлари саккиз ойлик плани 101,4 процент бажарилган ҳолда, ўз кучларимиз билан бажарилган ишлар 105,6 процентга етди: 40 минг квадрат метрдан ортиқ турар жой фойдаланишга топширилди. Учинчи кварталда ҳар бирида 1496 ўринли иккита мактаб ишга туширилди.

Шунга қарамай, Октябрь районида жойлашган объектларда қурилиш-монтаж ишлари планларининг бажарилмаслиги асосий камчиликлардан бири бўлиб қолмоқда. Биз ана шу объектларда қурилиш ишлари планининг бажарилиш учун барча тадбир-чораларни амалга оширамиз.

Партия ташкилотимизда партия ҳужжатларини алмаштириш якуни район партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди. Район партия комитетининг бюроси трест партия комитети ва унинг бошланғич партия ташкилотлари ишига баҳо беришда принципиаллик ва юксак партиявий талабчанлик билан ёндошди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II Пленуми қарорлари асосида бошланғич пария ташкилотларининг фаолияти бир мунча яхшиланди. Мавжуд ва ёрдамчи ташкилотларнинг қурилиш-монтаж ишлари сифатини, коммунистларнинг ғоявий-назарий билимларини ошириш бўйича олиб борган ишларини кўриб чиқамиз.

Шу кунларда пардозлаш, санитария-техника ва электр монтаж ишлари, умумий қурилиш ишлари сифатя ҳамон пастлигича қолмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 33 объектдан 23 таси «яхши», 10 таси эса «ўрта» баҳода топширилди. Қурилиш -монтаж ишлар сифатини яхшилаш бўйича қабул қилинган социалистик мажбуриятнинг қониқарли даражада бажарилмаётганлиги бизларни ташвишлантирмоқда.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик даврида 75 киши партия сафига қабул қилинди. 10-қурилиш бошқармасидан коммунист Н. Баранник ва 53-қурилиш бошқармасидан С. Е. Сидоров партия билан алоқаларини йўқотганликлари учун КПСС сафидан ўчирилди.

Партия ҳужжатларини алмаштириш натижаси парткомнинг кенгайтирилган мажлисида ҳамда қурилиш бошқармаларидаги барча цех партия ташкилотларида муҳокама қилинди. Бу, коммунистларнинг снёсий ва меҳнат фаоллигини ошириш имконини берди. Натижада, иккинчи квартал якунида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика комитетининг кўчма Қизил байроғи трестда қолдирилди. Бош пудрат ишлари саккиз ойлик плани 101,4 процент бажарилган ҳолда, ўз кучларимиз билан бажарилган ишлар 105,6 процентга етди: 40 минг квадрат метрдан ортиқ турар жой фойдаланишга топширилди. Учинчи кварталда ҳар бирида 1496 ўринли иккита мактаб ишга туширилди.

Шунга қарамай, Октябрь районида жойлашган объектларда қурилиш-монтаж ишлари планларининг бажарилмаслиги асосий камчиликлардан бири бўлиб қолмоқда. Биз ана шу объектларда қурилиш ишлари планининг бажарилиш учун барча тадбир-чораларни амалга оширамиз.

Партия ташкилотимизда партия ҳужжатларини алмаштириш якуни район партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди. Район партия комитетининг бюроси трест партия комитети ва унинг бошланғич партия ташкилотлари ишига баҳо беришда принципиаллик ва юксак партиявий талабчанлик билан ёндошди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети II Пленуми қарорлари асосида бошланғич пария ташкилотларининг фаолияти бир мунча яхшиланди. Мавжуд ва ёрдамчи ташкилотларнинг қурилиш-монтаж ишлари сифатини, коммунистларнинг ғоявий-назарий билимларини ошириш бўйича олиб борган ишларини кўриб чиқамиз.

Шу кунларда пардозлаш, санитария-техника ва электр монтаж ишлари, умумий қурилиш ишлари сифатя ҳамон пастлигича қолмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 33 объектдан 23 таси «яхши», 10 таси эса «ўрта» баҳода топширилди. Қурилиш -монтаж ишлар сифатини яхшилаш бўйича қабул қилинган социалистик мажбуриятнинг қониқарли даражада бажарилмаётганлиги бизларни ташвишлантирмоқда.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик даврида 75 киши партия сафига қабул қилинди. 10-қурилиш бошқармасидан коммунист Н. Баранник ва 53-қурилиш бошқармасидан С. Е. Сидоров партия билан алоқаларини йўқотганликлари учун КПСС сафидан ўчирилди.

Коммунистлар трест раҳбарлари ва партия комитетига трестнинг ёрдамчи пудратчилари ишини яхшилаш масаласини қўйиб, ҳақли талаб қилмоқдалар. Кўпинча, иш қониқарсиз ташкил этилганлиги сабабли объектлар ўз вақтида фойдаланишга топширилмайди. Шундай пайтларда ёрдамчи пудратчилар ҳеч қандай масъулиятга тортилмайдилар, бунинг учун бош пудратчи жавоб беришга тўғри келади. Ана шу камчиликлар трестнинг ишлаб чиқариш ҳамда иктисодий-снёсий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Партия комитети инженер-техник ходимларнинг объектларда ишчилар бажарадиган меҳнатни аниқ ва тўғри ташкил этишларига эришганича йўқ. Шунингдек, объектларда кўргазмали қуроллар ташкил этишда ҳам жиддий нуқсонлар ҳам мавжуддир. Буларнинг ҳаммаси трест раҳбарларни жиддий ташвиш га солмоқда. Бу актуал масалалар доимо диққат эътиборимизда бўлсада, баъзи пайтларда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу камчиликлар асосан биз, трест раҳбарларининг объектларда кам бўлишимиз сабабли вужудга келмоқда. Қурилиш бошқармалари ҳамда 4-темир-бетон буюмлари заводи цех партия ташкилотларининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар ана шулар ҳақида гапиришди.

Ҳозир партия комитети партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар томонидан билдирилган таниқдий фикрлар ва мулоҳазаларни ўрганмоқда ва умумлаштирмоқда. Партия комитети мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқди.

Шу кунларда Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 56 йиллиги байрами шарафига ҳамма объектларда меҳнат вахтаси давом этмоқда. Бунда коммунистлар ҳар ишда намуна бўлмоқдалар. Трест партия комитети ва маъмуриятн беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йил топшириқларини муваффақиятли бажариш ва юқорида баён этилган камчиликларни бартараф этиш учун бутун куч ва билимини ишга солади.

Т. ШОЮНУСОВ.
159-қурилиш трести партия комитетининг секретари.

Тошкент бинокорлари—Улуғ Октябрга!

Юксалиш йўлидан

Социалистик мусобақада гап кўп. Мусобақа меҳнаткашларнинг активлигини ошириб, ютуқларни кўпайтиради, ички резервларни қидириб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш имконини беради.

«Главташкентстрой» 4-қурилиш трести 18-қурилиш бошқармаси қурувчилари, инженер-техник ходимлари ҳам ҳал қилувчи йил планларини муддатидан илгари бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдиргандар. Бошқарма коллективи 6-қурилиш бошқармаси бинокорлари билан тез ва сифатли бинолар қуриш ниятида беллашмоқда. Мусобақадошлар ҳар ойда социалистик мажбуриятларни қай тарзда бажарилаётгани ҳақида бирбирларини хабардор қилиб турадилар. Бундан ташқари, мусобақанинг қандай бориши бошқармаларда чиқарилаётган деворий газеталарда ҳам ёритиб борилмоқда.

Бошқарманинг Г. Қодиров бошлиқ комплекс ва А. Ермаков бошлиқ монтажчилар бригадалари планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини ишлаб чиқаришга жорий этиб, кўплаб қурилиш материалларини иқтисод қилишга ва қурилишлар муддатини қисқартиришга муваффақ бўлмоқдалар.

Қурилиш объектларида автоматиканинг жорий этилиши кўпчилик ишларни марказлашган диспетчерлик хоналаридан бошқариб бориш имконини берялти. Меҳнатни илмий асосда уюштириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар ҳам ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмоқда. Ўтган тўққиз ой мобайнида бу тадбирлардан бошқарма 8,5 минг сўмга яқин фойда кўрди. Меҳнат унумдорлиги 2,3 процент ошди.

Бошқарма йил бошидан бери Юнусобод массивининг А-3 ва Д-3 кварталида 4 та турар жой биносини фойдаланишга топшрди. Шунингдек, қимёгарларимиз учун 3 қаватли пахта целлюлозасининг кимё ва технологияси илмий текшириш институти маъмурий биноси, ҳамда массивнинг Д-3 кварталида 2 минг кишига хизмат қилувчи маиший хизмат кўрсатиш бинолари комплекси тез ва сифатли қилиб битказилди. Қурувчилар яқинда Юнусобод массивининг А-3 кварталида 2 та 72 квартирали турар жой ва Д-2 кварталида 600 ўринли ётқхона биносидаги умумий қурилиш-монтаж ишларини тугаллашган эди. Мазкур объектларда сайқаллаш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти. Бу биноларда ҳам Улуғ Октябрь байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Бошқармада тўққизинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш ташаббусига қўшилганларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Р. Бозорқулов, М. Нагаева, Г. Ли, А. Фёдоров ва Р. Нўъмонов каби бинокорлар шу кунларда 1974 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Коллективда социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилганлиги, ишлаб чиқаришга янги метод ва усулларнинг жорий этилиши 18-қурилиш, бошқармаси ойлик ва квартал планларини ошириб бажаришига имкон бермоқда.

А. ФОЗИЛОВ,
Ш. МИРҲАБИБОВ.

Бугун Тошкент метроси қурилишида

КАТТА ИШЛАР ОЛДИДАН

«Главтоннельметрострой» трести 2-туннель отряди коллективи ўзаро меҳнат беллашуви асосида ишлаб, метро қуриш ишларини кун сайин авж олдирмоқдалар.

Ер ости қасрининг «Халқлар дўстлиги» кўчасида Собир Раҳимов номли станциясини барпо этишга Николай Южанов бошлиқ лаҳмчилар бригадаси ҳам катта улуш қўшмоқда. Улар станцияда метронинг «Чилонзор» станцияси бекатига томон лаҳм қазиш ишларига тайёргарлик кўришда намунали иш олиб боришяпти.

Юқорида ўнгдаги суратда пешқадам бригаданинг аъзоларидан (чапдан) Н. Южанов, Б. Матушкин, В. Емельчиновлар акс эттирилган.

Метро қурилишида ҳар бир ишнинг лойиҳада белгиланган ўлчамларга қаттиқ риоя қилинишига алоҳида эътибор берилади. Бу ишда участка коллективларидаги маркшейдерларнинг ҳиссаси катта.

Пастдаги суратда С. Раҳимов номли станциянинг пешқадамларидан (чапдан) маркшейдер А. Тельнин, бош маркшейдер О. Кожушков ва В. Резниченколарни кўриб турибсиз.

И. Шойногомов фотоси.

Оқшом газеталари саҳифаларида

ҚУВВАТ ТЎРТ БАРАВАР ОРТАДИ

Кеча «Южтехмонтаж» трестининг монтаж жиҳозларини тайёрлаш заводига Монтаж ва махсус қурилиш министрлигидан корхонани реконструкция қилиш планини тасдиқланганлиги ҳақидаги хабар келди.

Шу муносабат билан корхона директори Б. Ф. Криворучко «Вечерний Ростов» газетаси мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Реконструкция ишлари келаси йилнинг январь ойидан бошланади, бунинг учун бизга икки ярим миллион сўм ажратилган. Бу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини тўрт баравар ошириш имконини беради. Металл конструкциялар ишлаб чиқариш йилига 4,5 минг тоннадан 18 минг тоннага етади. Иккита янги металл конструкциялари цехи қурилади.

● ИШЧИ МИНБАРИ

БУЮРТМАЧИЛАРНИ ШОД ЭТИБ

Кишининг меҳнатдаги муваффақияти кўп жиҳатдан интизомга риоя қилишига боғлиқ. Мана, йигирма йилдирки, Бадиий буюмлар фабрикасида меҳнат қилиб келаяпман. Шу даврда бирор марта ҳам ишга кечикиб келганимни эслай олмайман. Бошқаларнинг ҳам сабабсиз ишдан қолишига ёки кечикишига йўл қўймаслиққа ҳаракат қиламан. Иш вақтининг ҳар бир лаҳзаси мумкин қадар кўпроқ фойда келтириш билан ўтганига нима етсин.

Шогирдларимиз — ишдаги фарзандларимиздир. Шунинг учун, мен уларга ишига виждонан муносабатда бўлишни, вақтни қадрлашни, ўз-ўзини мунтазам назорат қилиб боришни қайта-қайта уқтириб бораман. Ишда талабчанлик фойдадан бошқа нарса эмас. Шогирдларим ҳам шу одатимни яхши кўришади. Малика Алимуҳамедова, Машкура Лутфуллаевалар цехдаги илғор чеварлардан. Кунлик топшириқларини бир ярим баробар адо этиш билан бирга, жамоат ишларида актив қатнашиб келаётган бундай шогирдлар билан фахрланмасдан бўладими, ахир.

Мен йил бошидан буён саккизта шогирд тайёрладим. Ҳозирги вақтда тажрибамни корхонамизга яқинда ишга келган Ақида Эшонхўжаевага ўргатаяпман. Ҳаракатчанлигидан, топширилган вазифани сидқидилдан бажараётганлигидан унга каштачиликнинг санъати ёқиб тушганини сезиш мумкин.

Чиндан ҳам фабрикамизда тайёрланаётган сўзана, ғардевор, кирпич ва бошқа маҳсулотларни севиб харид қилиняётганда ўзимда йўқ ғовоқ кетаман. Дўпписларимиз шуҳратини айтмайсизми? Маҳсулотларимизга Ватанимиздагина эмас, ҳатто, қатор хорижий мамлакатларда ҳам талаб катта. Афғонистон Япония, Ҳиндистон, Канада, Чехословакиядан тушган буюртмаларни бир неча бор бажарганмиз.

Фабрикамиз муҳри босилиб ишлаб чиқарилаётган сўзаналарнинг четларига ипак ипдан безаклар тикаман. Бу кишидан ҳушёрлик ва меҳр билан ишлашни талаб қилади.

Аввалги тор биноданамонавий, барча қулайликларга эга бўлган янги корпуса кўчиб ўтиб иш бошлашимиз, янги муваффақиятларни қўлга киритишга сабаб бўляпти. Кенг истеъмол буюмларни ишлаб чиқариш топшириқлари ошиги билан адо этилянти. Шу билан бирга, уларнинг сифати ҳам яхшиланиб бормоқда.

Ҳал қилувчи йилнинг ўтган тўққиз ойида фабрикамиз коллективи топшириққа қўшимча салкам қирқ минг сўмлик безакрим буюмлар билан буюртмачиларни шод этди.

Энди икки оғиз сўз мен жамоатчилик асосида етакчилик қилаётган бригада аъзоларининг ишлари тўғрисида. Коллективимиз тажрибали мастер Р. Шарофитдинова бригадаси билан мусобақадош. Биринчилик учун беллашиш ҳар бир невардан ғайрат кўрсатиб ишлашни талаб қилади.

Фабрикамизда донгдор тўқувчилар Лидия Қазанцева, Евгения Губина издошларини кўплаб топиш мумкин. Ҳозир шахсий меҳнат календаримда беш йиллик сўнгги йилининг март ойи кетяпти.

Мен тўққизинчи беш йилликнинг ўтган даврида олти юздан ортиқ духоба сўзаналар тикдим. Шундан 200 га яқини планга қўшимча тайёрлангандир.

М. МИРЗААҲМЕДОВА,
Бадиий буюмлар фабрикасининг каштачиси.

● *Обуна қизғин ўтмоқда*

Саноқли кунлар қолди

Ҳамшаҳарларимиз ўзлари истаган газета ва журналларга қизғин обуна бўлмоқдалар. Пойтахт аҳолисидан бугунги кунгача 560 мингдан зиёд киши келаси йил учун газета ва журналларга ёзилди.

Шаҳримиздаги Октябрь революцияси, трактор йиғув заводлари, ўрта махсус милиция мактаби, 110-ўрта мактаб коллективлари ва Калинин номли маҳаллада аҳоли биринчилар қаторида газета ва журналларга обуна бўлди. Янги йилдан бошлаб бу ташкилотларнинг ишчилари 4,5 хилдаги газета ва журналларни ўқий бошлайдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, Тўқимачилик комбинати, «Юлдуз» фирмаси, 1-уйсозлик комбинати, «Ташсельмаш» заводи, олий ўқув юртлари ичида ТошДУ, алоқа институтуи ва кўпгина корхоналар бу муҳим снёсий компанияга ҳамон жиддий киришганларича йўқ.

Газета ва журналлар каталоги «Студенческий меридиан», «Современная художественная литература», «Организация безопасности движения» каби янги нашрлар билан бойитилган.

Обуначиларга бир нарсани эслатиб ўтишимиз лозимки, абонементларда ҳар бир обуначи ўзига қарашли алоқа бўлими номерини, уй адресини аниқ ва тўғри ёзиши керак. Адреслариннг тўғри ёзилиши газета ва журналларни ўз вақтида етказиш имконини беради.

Маълумки, 1 ноябрдан чет эл, 25 ноябрдан эса Иттифоқ, республика область, шаҳар газета ва журналларга обуна қабул қилиш тўхтатилади. Демак, саноқли кунлар қолди. Кўпгина нашрларга обуна чекланган ҳолда қабул қилинишини унутманг.

Э. ҲАМИДОВ,
шаҳар «Союзпечать» дирекцияси бошлиғи.

ЗАВОДДА ТАШКИЛИЙ-ПАРТИЯВИЙ ИШЛАР КАБИНЕТИ

Тошкент трактор заводининг барча 28 цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилди. Янги секретарлар сайланди. Бу секретарларга дастлабки инструктаж заводда яқиндагина очилган ташкилий-партиявий ишлар кабинетида берилди. Кабинетнинг иш планида цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг тажриба алмашиши, ёш коммунистлар билан суҳбатлар ўтказиш кўзда тутилган. Кабинетда партия қурилишига оид адабиётлар виставкаси ташкил қилинган, бу ердаги стендда эса партияга кирувчилар учун зарур бўлган ҳужжатлар қўйилган.

Кабинет ҳузурида методик кенгаш тузилган бўлиб, унинг социологик тадқиқотларни, ташкилий-тарбиявий иш тажрибасини алмашишини, партия хўжалигини юритишни ва шу каби бошқа ишларни ташкил қилиш бўйича секциялари бор.

(УзТАГ).

Фан ва техника янгиликлари

Ерга укол қилиб заранглаштирилади

Бу «шприц»нинг нинаси 1,5 метрга боради. Нина 38 миллиметр йўғонликдаги газ трубасидан ясалган. Шундай шприц ерга бир неча бор суқулса, ер участкаси тошдек қаттиқ бўлиб қолади.

Урта Осиёда кенг тарқалган соғ тупроқнинг юмшоқлиги, масалан, ер ости йўллари новлашда қийинчиликлар келтириб чиқаради. Соғ тупроқ проходка шчитининг оғирлигига бардош беролмайди, ер нормадан ортиқча чўксса, новлашга йўл қўйилмайди.

«Ташинжстрой» трестининг инженерлари ишлаб чиққан махсус инъектор мана шу ерда йўл келади. У заминни махсус эритма билан заранглашга аталган. Проходка шчити қўйиладиган жойда ерга труба нина суқулади. Шу труба орқали 2-4 атмосфера босим остида суюқлик юборилади ва бу суюқлик қотаётиб, бир ярим метрли соғ тупроқ қатламини заранглаштиради.

Лекин зах ерларда шундай укол қилиш ҳам баъзида етарли бўлмайди. Бундай ҳолларда ўша шприц орқали газ юбориш ёрдам беради. Аввал ерга карбонат ангидрид гази туширилади, кейин суюқлик берилади. Шу тахлитда заранглаштирилган замин пишиқлиги 2,5 баравар ортади. У амалда сув ўтказмайдиган бўлиб қолади.

Тошкентда коммуникация ва канализация коллекторларини қуришда мана шу метод қўлланилмоқда. Ерни маҳкамлаш ишларининг нархи 1,5 баравар арзонлашмоқда. (УзТАГ).

Гидравлик экскаватор

Воронеждаги Коминтерн номли заводда гидравлик экскаваторлар кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Янги машиналарнинг механик приводли экскаваторлардан афзаллиги катта. Ҳамма «командаларни» кўпдан-кўп пўлат арқон ўрнига гидромотор ва гидроцилиндрлар бажаради.

Гидравлик экскаватор аввалгиларидан анча енгил, тезроқ юра олади ва маневр қила олади. Унинг иш органлари алмаштириладиган қилиб ишланган: 2,8 куб метрли чўмич, тўғри ва тескари нурак ўрнатилиши мумкин. (ТАСС).

Кема автомат станоги

Кемасозлик технологияси марказий илмий тадқиқот институтининг Хабаровск филиали ходимлари ғоят пишиқ материаллардан қалин деворли қилиб ясалган қувурларни кесадиган оригинал конструкциядаги кўчма станок яратишди.

Илгари бундай операциялар кемаларда қўлда ишлатиладиган пардозлаш машиналари ёрдами билан бажариларди. Эндилиқда махсус имитатор стендт ёрдами билан станок автомат иш режимида ишлашга ростланади. Бошқариш пульти бутун процессни назорат қилиб туришга имконият беради.

Бу станокдан кеманинг кичик ҳужраларида ҳам фойдалана бериш мумкин. Илгари бир неча кун кетадиган операциялар эндилиқда икки соатда бажарилмоқда. (ТАСС).

Хабаровск.

НОВАТОРЛАР ҲИССАСИ

Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилининг тўққиз ойи мобайнида Боку метрополитени планда белгилангандан кўрийб «олти миллион кўп пассажир ташиди, — дейилади оқшомги «Боку» газетасида босилган хабарда. Давлат планларининг барвақт бажарилишига рационализаторлар катта ҳисса қўшишаяпти. Ҳозир уларнинг сони 650 нафарга етиб қолди.

Фақат биринчи ярим йилликда улар таклиф этган янгиликларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида олинган фойда 50 минг сўмчани ташкил этди.

Боку метроси новаторлари йил охригача рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан ўнг минг сўмлаб маблағни тежаб қолишга аҳд қилиб меҳнат қилмоқдалар.

ПНЕВМОТРУБОПРОВОДНИНГ «ҲАВО МУСКУЛЛАРИ»

Киевдаги «ВНИИТРАНСГАЗ» бош лойиҳачи сифатида, «Горькийстройтранс» трестининг буюртмаси билан мамлакатда биринчи пневмотрубопроводни лойиҳалаш ишини тугаллади.

Оқшомги «Горьковский рабочий» газетасининг ёзишича, бу ажойиб янгиликнинг лойиҳаси устида Москва, Горький, Украина бошқа республикалар ва шаҳарлардаги бир қатор илмий-тадқиқот институтлари иш олиб бордилар. Бир-неча капсула-контрейнерлардан иборат бўладиган пневмотрубопровод қурилиш индустрияси корхоналарига сочиладиган материалларни етказиб беради.

Бўлажак «эшелонлар»нинг дастлабкиси (уларни эса қисилган ҳаво «мускуллари» ҳаракатга келтиради) Дзержинскда Ока дарёси билан 4-темир-бетон буюмлари заводи оралигида қурилади. Унинг узунлиги етти километр, қуввати эса йилига 340 минг тонна сочиладиган материаллардан иборат бўлади.

Ҳал қилувчи йилнинг меҳнат вахтаси

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тўқимачилик комбинати фабрикаларида август ва сентябрь ойи илғорлари аниқланди. 1-йигирув фабрикаси цехлари ўртасидаги социалистик мусобақада биринчи ўрин ҳеч нимга берилмади. Танда — йигирув цехи коллективи иккинчи ўринни эгаллади.

Сменалараро мусобақада пахта саваш-титиш цехининг мастери У. Акбаров сменаси ғолиб чиқди. Бу коллектив план топшириғини ўртача 144 процентга ба жарди. Ғолиб коллективга 100 сўм пул мукофоти берилди.

Иккинчи ўринни тандайигирув цехининг мастери С. Еромеева коллективи эгаллади. Бу цехнинг йигирувчиси Е. Борисова, арқоқ-йигирув цехининг ишчиси В. Костилева, пилиқловчи Л. Фоломсова, титувчи Е. Прилипко, бош механика бўлимининг слесари А. Коваленко ўртоқлар ўз касбининг моҳир усталари деб топилди ва улар эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Б. САЙДАЛИЕВ,
«Тўқимачилар овози» газетаси ходими.

Тошкентдаги газ аппаратлари заводининг пешқадам йиғувчи-слесари Лукерия Смирнова сменалик ва ойлик топшириқларини 120—130 процентдан кам бажармайди. Бу ишчан аёл коммунистик меҳнат зарбдорлари сафидан ўрин олди.

СУРАТДА: Л. Смирнова иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

Машиналар тили

В. ПЕКЕЛИС.

Бу сўзларни ўқиган киши гап қайси тил ҳақида боряпти, деб сўраши мумкин. Нахотки, машиналар «сўзлашиш», бир-бирлари билан «фикр алмашиш»ни ўрганган бўлса, нахотки, улар савол ва жавоб беришга қодир бўлса?! Ажабо, ақл бовар қилмай турибди...

Аслида, тил фақат инсонларгагина хос бўлиб, у нишлар ўртасида энг муҳим алоқа воситаси бўлиши билан бирга, жамиятнинг қураш ва ривожланиш қуроли ҳамдир. Инсон тили товуш тилидир.

XX асрнинг иккинчи ярмиларига келиб, бирданига... «машиналар тили!» — деган тушунча пайдо бўлиб қолди.

Ҳа, ҳаммаси тўғри, машиналарнинг ҳам тили бор экан, У инсон билан «сўзлаша олади», савол берсангиз, жавоб беради...

Машиналар тили ҳам кун сайин ривожланмоқда ва ўзининг такомилида олимлар олдига қатор мураккаб масалалар қўйяпти...

Мана, юз йилдирки, одамлар ўз мақсадларида инсон мускулларининг оз даражадаги кучини бир неча марта оширувчи «қувват кучайтирувчи» — механик ускуналарни қўллаб келяптилар. Улар ёрдамида одам қўл кучи билан улкан ишлар қиляпти. Секин-аста инсон янада кўпроқ «кучайтгич»ларни ҳаётга киритмоқда; ер, сув ва ҳавода юриш воситалари одам оёгини узайтирди, қўлини узоқ масофадан туриб бошқарадиган қилди, телескоп кўриш қобилиятини янада кучайтирди, микроскоп бўлса уни чуқурлаштирди, телефон ва радио тинглаш қобилиятини зўрайтирди...

Эндиликда кибернетика, электрон-ҳисоблаш машиналари — инсоннинг ақлий ва жисмоний фаолиятини бир неча марта кучайтирувчи энг янги ёрдамчидир.

Олимларнинг кўрсатишларича, асрлар давомида одамларга қўл келган ақлий қурол — хотира ва алоқа бўлган; улар фақат мия қобилиятини кучайтириб, унга келган информацияларни сезги органларидан мускулларга бера олганлар ёки сезги қуроли воситаси билан бажаришга ўринганлар.

Бу иккала функция — хотира ва алоқа бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Иккала функция хотира ҳам гўё пассив характерга эгадек кўринади: информация фақат сақланади ва тарқатилади, бироқ мақсадга мувофиқ қайта ишлашга имкон бермайди.

Қандайдир мамонт овчиси қайтиш йўлини эслаб қолиш учун ёнғ ўз йўлини жўраларига билдириш учун дарахт шохини қайириб қўйиши аллақачон хотира қуроли ёки алоқа қуроли бўлган, чунончи, ақлий қуроли бўлган.

Кейинчалик эса, хотира ва алоқанинг ёзув, китоб нашр этиш, фотография, телеграф, телефон, овоз, кино, радио, телевидение каби қуроллари — воситалари пайдо бўлдики, буларсиз қозирги замон фан ва маданияти тараққиётини мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди...

Қўшув қоидаси оддий тил билан айтганда шундай кўринишга эга: «Нўшилувчиларнинг йиғиндиси — суммаси, уларнинг қандай тартибда жойлаштиришга боғлиқ эмас». Худди шу қоиданинг қонунини қуйидагича ёзиш ҳам мумкин:

а + в = в + а...

Символлар тилида белгилар ҳатто одамлар ўрганадиган объектларни, уларнинг хусусиятини, муносабатини ва улар устидаги операцияларни ифодалаши мумкин (сиз оддий «сув» сўзини товушларнинг шартли белгиси орқали «сув» тарзида ёзиб ўқишингиз ҳам мумкин ёки «H_2O» формуласи орқали ҳам «сувни» кўз олдингизга келтира оласиз).

Инсоннинг янги ақлий қуроли — электрон-ҳисоблаш машинаси ниҳоятда мураккаб ва такомиллашган қурол бўлиб чиқди. Уларга табиий равишда ўз «тили» даркор бўлиб қолди. Чунки «машина тили» товуш тили эмас. Шу сабабли, бошлангич информацияларнинг ҳаммаси машина тилида мослаштирилади, яъни математик тасвирланади. Электрон рақамли ҳисоблаш машинасига шу пайтга қадар бизга маълум бўлган ақлий қуролларнинг вазифасидан кўра бир неча марта мураккаброқ функцияларни бажариш назарда тутилади. Ушбу машиналарда информация илгаригидек, шунчаки сақланиб ва тарқалибгина қолмай, балки янада антивроқ мақсадга мувофиқ ҳолда қайта ишланади. Бу мутлақо янги сифатли воқеаларга олиб келди!

Машҳур инглиз олими Жон Берналнинг «Эндиликда ҳисоблаш қурилмалар ва уларнинг қодлари инсон фикрини мутлақо янги шаклда гавдалантириш, маълум даражада тилни ўзгартириши мумкин ва ҳатто ўз тараққиётида тилдан ўзиб кетиши мумкин», деб ёзгани бежиз эмас.

«Заҳимали тил...» нима ўзи? Бу ҳақда гаплашиб кўриш керак.

«Техника молодёжи»дан.

С. РИЗАЕВ таржимаси.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.

СУРАТДА: «Марказ-15» кварталида яқинда фойдаланишга топширилган 9 қаватли турар жой бинолари. Бу биноларда кишиларнинг яхши турмуш кечириши учун барча қулайликлар яратилган.

М. Иброҳимов фотоси.

"Химчистка"даги муаммолар

Куз фаслида ҳар бир оиланинг ташвиши кўпаяди. Шулардан бири «химчистка» ташвиши. Ҳар ким кузлик, қишлик кийимларини ўз вақтида тайёрлаб қўйишни истайди. Бу ўринда маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг кўмаги одамларга жуда қўл келади. Афсуски, шундай долзарб пайтда «Химчистка» фабрикасининг ҳамшаҳарларимизга қилаётган хизмати талабга жавоб беролмаяпти.

Аҳолига хизмат кўрсатишда фабрика бир қанча илғор усулларни қўллай бошлагаанига анча бўлиб қолди. Жумладан, фабрика ихтиёридаги бешта махсус машина турли корхоналарга, турар жой кварталлари ва маҳаллаларга қатнаб, кишиларнинг оғирини енгил қилишга киришган эди. Бу нарса ҳамшаҳарларимизнинг вақтини тежаши, мушкулини осон қилиши керак эди. Аммо натижа кўнгилдагидек бўлмаяпти. Кўпинча, шундай ҳол рўй беради. Эшигингиз тагига машина келиб тўхтайди. «Химчисткадан келишганими эшитиб қувониб кетасиз. Тайёрлаб қўйган кийимларни олиб чиқиб топширасиз. Вакил уларни қабул қилиб олади. Тўланиши керак бўлган ҳақни ҳам нақд санаб олади-да, қўлингизга квитанция беради.

— Келаси ҳафтанинг худди шу куни кийимингиз янгидек бўлиб. қўлингизга тегади, — дейди вакил майингина жилмайиб.

Орадан бир ҳафта ўтади, ўн кун ўтади. Кўчангиздан ўтаётган «химчистка» машинасининг кетидан югуриб, тўхтатасиз. Кийимингизни сўрайсиз.

— Бу ҳафта иложи бўлмади, — дейди вакил яна жилмайиб. — Келаси ҳафтага албатта олиб келамиз.

Келгуси ҳафтага кийим у ёқда турсин, машинанинг ўзи ҳам келмайди. Орадан кунлар ўтаверади. Кийим ҳам йўқ, пул ҳам... Қўлингиздаги квитанцияни чангаллаб фабрикага югурасиз...

Қабул пунктларида эса аҳвол бундан ҳам баттар. Юнусободда яшовчи Т. Нуритдинова шу йил 25 сентябрда 34-қабул пунктида икки пальто, битта куртка топширган эди.

— Ўн беш кунда кийимларингиз яп-янги бўлиб қўлингизга тегади, — деди шу ерда ишловчи Буторская.

Орадан ўн беш кунинг бошлиғи Аниса Имомовна Скратова. — Тозаланиб чиққан кийимларни синчиклаб кўздан кечиришимиз керак. Лекин сортировкачи Зима Сизяковада ҳам айб бор. Қозондан чиққан кийим энг аввал унинг қўлига келади. Пальтоларни бўлса, ҳали ювамизми, йўқми, номаълум. Синтетик материалларидан тикилган кийим тез айнаб кетади.

Яп-янги кийимнинг йиртилганини кўрган харидор айб кимдалигини суриштириб ўтирмайди. У ҳақли равишда аччиқланиб, «Химчисткани айблайди. Баъзан эса, бундан ҳам хунукроқ воқеалар бўлиб туради. Масалан, Чилонзорда яшовчи В. Редина ўзи топширган костюмини тополмай гаранг бўлиб юрибди. Негаки, унинг этагига ёпиштирилган ёрлиқ йўқолиб қолибди.

Юқорида айтганимиздек, куз фаслида «Химчисткага иш тушадиганлар кўпаяди. Айни шу пайтда фабрика тўла қувват билан ишлаши керак. Афсуски, бундай бўлмаяпти. Фабриканинг тўртта филиали бор. Чилонзор ва Студентлар шаҳарчасидаги филиаллар жиҳозларнинг эскирганлиги сабабли мўлжалдагидан икки ҳисса кам қувват билан ишлаяпти. Фабриканинг ўзида эса учта қозон бўлиб, улар икки йил илгари ўзгартирилиши керак эди. Афсуски, бу иш ўз вақтида қилинмади. Натижада, қозонлардан иккитаси ёрилиб кетди. Яқинда улардан биттаси янгиланди, холос. Битта қозон эса ҳамон ўзгартирилгани йўқ. Бу ишларга масъулдор бош инженер Бахтиёр Қурбонов шундай дейди.

— Нима қилайлик, қозонлар тулпа-тузук ишлаб турган эди. Бирданига ёрилиб кетишини бош инженер билмаса, ким биларди! Модомики, уларни ўзгартириш керак экан, бу ишни ўз вақтида қилиш керак эди. Шундай қилинганида иш айни қизиган пайтда фабрика боши берк кўчага кириб қолмас эди. Фабриканинг 4-турар жой шаҳарчасидаги филиалига авиация заводидан буг бериларди. Завод негадир, буг беришни тўхтатиб қўйди. Натижада, фабрика 60 минг сўмлик зарар кўрди. Бунинг устига, унинг яна икки филиали кам қувватда ишлаётганини ҳисобга олсак, аҳвол нақадар танглиги аён бўлади. Ҳолбуки, корхонанинг ишлаб чиқариш плани йил сайин ошиб бораяпти. Утган йили фабрика 1 миллион 200 минг сўмлик иш бажарган эди. Бу йил 1 миллион 550 минг сўм деб белгиланган. Корхона сентябрь ойида 201 минг сўмлик иш бажариш лозим эди. План ортиғи билан бажарилди. Тасаввур қилинг: корхона кам қувватда ишласа, бунинг устига ишчи кучи етишмаса-да, план ошириб бажарилса! Бундай ҳолда сифат ҳақида гапиришнинг ўзи ҳам кулгили.

Фабрика директори Асқар Исломов бу ерда иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Корхона олдида қатор муаммолар турибди. Фабрика аҳолидан тушаётган барча талабларни бажаришга амалда қодир бўлмай қолди.

Фабрикамизни бирлашмага айлантириш керак, — дейди ўртоқ Исломов. — Акс ҳолда, кичик штат, эски жиҳозлар билан аҳолининг барча талабини қондириш мушкул.

Шаҳар ижроия комитети маиший хизмат кўрсатиш бош бошқармасидаги ўртоқлар бу масала устида жиддий шуғулланишлари лозимлигини ҳаёт талабининг ўзи кўрсатиб турибди.

М. КОМИЛЖОНОВ,
Н. БОҚИЕВ.

Нега овора қилишади?

Редакцияга хат

Биз 12-ЖЭКка қарашли 5-уйда истиқомат қиламиз. Оиламиз 6 кишидан иборат. Ҳар ойда квартира ҳақини ўз вақтида тўлаймиз. Яқинда киши ғашига тегадиган бир воқеа рўй берди. Бу ҳақда ана шу ЖЭК раҳбари О. Н. Мирзаев ҳузурига бордим. Воқеа шундай бўлганди. 1690. номерли квитанция орқали апрель, май, июнь ойларига ҳақ тўлагандик. Куни неча юқорида қайд қилган тўрттала ойга яна квитанция келиб турса бўладими? Бундай ишга масъулиятсизлик билан қарайдиган ЖЭК хизматчиларидан хунобимиз чиқиб, улар ҳузурига келгандик. О. Н. Мирзаев бизни шиноятимизни эшитгандан кейин квитанция ёзувчи Лариса Граненкони чақирди.

— Нима учун квартира ҳақини қайта юбордингиз? — деди бошлиқ. Л. Граненко олдинига гўё ўнғайсизлангандай бўлди-ю, кейин ҳеч нарсага парво қилмасдан бошлиққа елка қисиш билан жавоб қилиб, хонадан чиқиб кетди.

Ана шу ЖЭКка менга ўхшаган нелувчилар битта ўзим десам улар жуда кўпчиликни ташкил қилишаркан? Менинг кўзим олдида ана шундайларнинг иккитаси келиб кетди.

Қиш эшик қоқяпти. 12-ЖЭК уйимизни октябрь ойигача ремонт қилиб бериши керак эди. Лекин ҳанузгача фақат менинини эмас ўтган ойда бошланиши керак бўлган ёнимдаги қўшним В. Усачевларни уйини ҳам ҳанузгача ремонт қилишмаган.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

Иситгичи бўлган консервалар

Варшавадаги Химия саноати институтида иситгичи бўлган оригинал консерва банкаси конструкцияланди. У оддий тунукадан қилинган бўлиб, ичига магнит лентаси ёрдамида ёнадиган махсус аралашма солинган. Бу аралашма ёнган вақтда чиқадиган иссиқлик бир неча минут ичида консервани иситади ва у истеъмол қилиш учун тайёр бўлади.

Бу янгилик туризм ишқивозларига яхши совғадир.

Автомобилдан эҳтиёт бўлинг!

БМТнинг статистик маълумотларига қараганда 1971 йилда 250.000 кишининг ҳалок бўлишига ва 7 миллиондан кўпроқ кишининг жароҳатланишига йўл ҳодисалари сабабчи бўлган. Европа мамлакатлари бу аянчли статистиканинг юқорисига ёзиб қўйилган. (Улим ҳодисаларининг 45 проценти улар улушига тушади). Мисол учун, Франциядаги ҳар икки инвалиднинг бири автомобиль аварияларининг қурбони ҳисобланади. Америка Қўшма Штатларида 1971 йилнинг ўзидагина йўл ҳодисалари натижасида 13 миллиард доллардан кўпроқ зарар келган. БМТ экспертлари йўлларда рўй бераётган ҳалокатларнинг олдини оладиган халқаро программани тузиш устида иш олиб бормоқдалар.

[АПН— Интерпресс].

●Бу — қизиқ

«ХАМИР ИЛОН»

Жаҳон пазандалигидан лавҳалар

Лагмон қадимги хитой тилида «Хамирдан тайёрланган илон» маъносида юради. XIII асрда Шарққа саёҳат қилган италиялик олим Марко Поло лагмонга жуда қизиқиб қолади, у қайла (важу)сини тайёрлашни ўрганиб олган бўлса ҳам, лекин лагмон чўзишга ҳеч қўли келмайди. Шуида тайёр лагмон хамирининг ўртасидан ингичка сим ўтказиб қуритиб, бугдой боғига ўхшатиб боғлаб олиб кетади. Венецияга келиб ҳалиги қуруқ хамирни пишириб, ичидаги симини суғуриб ташлайди ва юзига важу қуйиб дастурхонга тортганда бир кардинал шодлигидан: «О, макарони», деб хитоб қилган экан. Маъноси: «Ҳай, ҳай, нечук ажойиб овқат», дегани бўлади.

Шу-шу, ўртаси тешик хамир ишлаб чиқариш Италияда урф бўлиб кетади ва номини «макарони» деб атайдиган бўлишади.

Марко Полонинг ўзи лагмонни, яъни «хамир илон»ни «хамир чувалчанг» деб таржима қилади, итальянча маъноси вермиччелли, яъни вермишель, дегани бўларкан. Макарон билан вермишель итальян пазандалигида ҳануз ҳам энг асосий ва шарафли таом ҳисобланади.

Шундай қилиб, макарон билан вермишель лагмонга туташ озуқлардир.

Ғиёсиддин ЖОЗОИРИЙ

ДАФНА ДАРАХТИНИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Шу кунларда Теҳрон ҳалқи мени «барги бу» («ҳидли барг») деб аташади. Форсча луғатларда эса, асл исмим «бомштон» (рус ча лавровий лист, ўзбекча дафна дарахтининг барги)дир. Араблар эса «ғор» деб аташади. Менинг дарахтим минг йилдан ортиқ умр кўради. Ҳозирги пайтда менинг тўзланган бодринг идишларига солиб қўйишади. Мен бодрингни хушбўй қилиб, ҳидланишдан сақлайман. Аввал мени анжир ва қурмо меваси устига қўяр ва мен уларни қуртлашдан асрар эдим. Менинг дарахтим жуда каттадир. Қадимий Юнон халқи мени қаттиқ ҳурматлашган, диний ва мазҳабий байрамларда шохимни қўлларига ушлаб юрганлар. Донишмандлар эса, барчамизга ва шоҳимдан тож ясаб, бошларига кийиб юрганлар.

Менинг мевам ёнғоқдек келади. Уни форслар «даҳмашат» дейдилар. Таркибида хушбўй ёғ бор.

Дарахтимни Теҳронда ва Шимолий провинцияда экишиб, фақат, баргидангина фойдаланадилар.

Менинг баргим бодни қувади ва терлатади. Агар кўп истеъмол қилинса, қайт қилдиради. Чангак касалини йўқотади.

Баргимдан кўра мевам кучлироқдир. У иштаҳани очади, меъдага қувват беради. Баргим ва мевам ҳиди шодлантирувчидир ва у заҳарни, хусусан, овқатдан заҳарланишни кесади. Агар ундан шаробга солиб, ичитиб ичилса, бош оғриғини, тутқаноқ касалини, васвасани йўқотади. Зеҳнни ўткирлаштиради.

Агар мевам ёғидан суркалса, пай оғриғини қолдиради, чарчоғни йўқотади, эзилган ва узилган нерв томирларига фойдадир. Туйилган мевам сувидан қулоққа томизилса, оғриқни қолдиради, чиқиришини йўқотади, вазминлигини бартараф қилади. Қайнатилган баргим суви билан оғиз чайилса, тиш оғриғини қолдиради.

Мендан олинган ёғ қайт қилдирувчи, пешоб ҳайдовчи ва ҳайз очувчидир. Мевамдан истеъмол қилинса, бодни бартараф қиламан, қорин оғриғи ва ичгинини йўқотаман, жигар ва талоқ иллатларига фойда қиламан. Асалга қўшиб ейилса, меъда ва ичак яраларини гўзатаман. Икки грамм пўстлоғим буйрак ва сийдик йўлларидаги тошни парчалайди.

Агар мевамни шаробга солиб ичилса, ҳашаротлар заҳарини кесади, чиқиқан жойга суркалса, наф қилади. Агар мени унга солиб хамир қилиб қуйганга ва бўғим оғриқларига боғланса, фойдалидир.

Баргимдан истеъмол миқдори икки мисқол, мевамники эса бир мисқолдир. Бундан ортиқчаси эса, қайт қилдиради.

Форсчадан М. ҲАСАНОВ таржимаси.

Жаҳон ойнаси

СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

УЛАН-БАТОР. Монголия меҳнаткашлари шу йилнинг уч кварталы планини муваффақиятли бажардилар ва социалистик қурилишда янги яхши натижаларга эришдилар, дейилади республика халқ хўжалигини ва маданиятини ривожлантириш планининг бажарилиши тўғрисида Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг бу ерда эълон қилинган ахборотида.

Саноатнинг шу йил тўққиз ой мобайнида ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 9,3 процент ошган. Қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми 31,2 процент кўпайган.

Мамлакат деҳқонлари донли, озуқабоп ва бошқа экинлардан мўл ҳосил йиғиштиришдилар. Қишлоқ хўжалигининг, аввало, миллий экономиканинг етакчи тармоғи бўлган чорвачиликнинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. Бу йил 2.391 та чорвачилик биноси қурилди. Бу биноларга бир миллион бошдан кўпроқ чорва моллари жойлаштириш мумкин.

(ТАСС).

Прагада совет виставкаси

ПРАГА. Бу ерда очилган виставка «Совет музикаси» деб аталади. Виставка ўтган ярим аср мобайнида совет музика санъатининг ривожланиши тўғрисида ҳикоя қилади.

Виставкага келган кишилар кўпгина таниқли совет композиторлари, хонандалари ва созандаларининг ижоди билан, таниқли музика коллективларининг ижоди ҳаёти билан танишишлари мумкин.

Виставканинг махсус бўлими Совет Иттифоқида бадиий хаваскорликнинг ривожи тўғрисида ҳикоя қилади.

Бу ерга совет грампластинкалари ва музика адабиёти ҳам қўйилган.

(ТАСС).

КОНГРЕССГА БАҒИШЛАБ

ПРАГА. Социалистик Чехословакия меҳнаткашлари тинчликсевар кучларининг Москвадаги жаҳон конгрессини меҳнатдаги шонли ишлари билан кутиб олмоқдалар. Конгрессга тайёргарлик ЧССРда чинакам умумхалқ ҳаракатига айланди.

Мамлакат шахтёрлари ватанпарварлик ташаббусларининг биринчи сафида бормоқдалар. Антонини Запотоцкий номидаги шахтада П. Фабиянинг ёшлардан иборат социалистик меҳнат бригадаси кўмир қазиб чиқаришда Острава-Карвина ҳавзасида янги рекорд қўйди. Бу коллектив совет техникаси ёрдамида 31 иш куни ичида жуда катта натижаларга эришди. Бригадада ҳар бир шахтёр бир сменада ўрта ҳисобда 562,8 тонна кўмир қазиб чиқарди.

Донгдор бригадир „биз социалистик мажбуриятни бажариб, Москва конгрессини тайёрлашга ўз ҳиссамизни қўшганимиздан хурсандмиз, деди.

СОФИЯ. Бу ерда Болгария пойтахтининг жамоатчилиги тинчликсевар кучларининг Москвада очиладиган жаҳон конгрессига бағишлаб неча ўтказди.

Кеча қатнашчилари планетанинг ҳамма бурчакларида тинчлик йўлида курашаётган халқларнинг бу курашдаги ақтивлигини кучайтириш учун конгресснинг катта аҳамияти борлигини қайд қилдилар. Тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси, деди сўзга чиққан нотиқлар, халқаро кескинликнинг тагин ҳам юмшатишга ва давлат ўртасида халқлар манфаатларини кўзлаб тинч ҳамкорлик қилишга ёрдам беради.

БУДАПЕШТ. Конгрессда қатнашадиган Венгрия делегацияси раҳбарининг ўринбосари, физика марказий илмий тадқиқот институтининг директори академик Пал Ленард бундай деди: «Венгрия тинчлик ҳаракати, мамлакат жамоатчилиги тинчликсевар кучларнинг Москвадаги жаҳон конгресси ишида Венгрия делегациясининг иштирок қилишини муҳим вазифа, деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги халқаро аҳвол, тинчлик тарафдорлари ҳаракати эришган муваффақиятлар ва бундан бўёғи вазифалар тинчлик учун курашчиларнинг бундай ваколатли учрашувини сира кечиктирмай ўтказиш зарурлигини кўрсатиб турибди. Тинчликсевар кучларнинг Москвада ўтказиладиган конгресси тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг тарихида энг катта анжуман бўлиб қолади. Биз ишонамизки, бу конгресс халқаро кескинликнинг юмшатилишига, эришилган ижобий силжишларнинг мустаҳкамлашига, тинчлик учун курашувчилар ҳаракатининг янада кенгайишига, империализмга қарши курашаётган кучларни жипслаштиришга, уларни халқаро хавфсизлик ва қуролсизланиш учун курашга сафарбар қилишга ёрдам беради».

Покистон ўзининг бадиий ҳунармандчилик буюмлари: ярқироқ мис кўзалари ва лаганлари, маржонлари ва тўғноғичлари, ўйиб ишланган қаламдонлари ва безакли гиламлари билан машҳур.

СУРАТДА: охирги чизиқлар.

ТАСС фотохроникаси.

АҚШнинг Тель—Авивга юборяётган қурол-яроғлари

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлар Исроилга қурол-яроғ юборишни кўпайтирмоқда. Америка информация агентликларининг хабарларига кўра, ҳозирги вақтда АҚШ ҳар куни Исроилга, бошқа ҳарбий техникани ҳисобламаганда, 20 тача ҳарбий самолёт юборяпти.

Пентагоннинг раҳбари Ж. Шлесинжер Маями-Бичда (Флорида штати) гапириб, Исроилга юбориладиган қурол-яроғ миқдори «зарур исталган даражага қадар кўпайтирилиши мумкин», деди.

Ҳукумат конгрессга мурожаат қилиб, Тель-Авивга юбориладиган «фавқулодда қурол-яроғлар» ҳақи учун янги маблағ ажратиш тўғрисида илтимос қилмоқчи. Маъмурий ва бюджет бошқармасининг директори Р. Эш маъмурият шу мақсадлар учун 50-70 миллион доллар сўрашини вакиллар палатасининг бюджет комиссиясига маълум қилди. Аммо унинг сўзларича, ҳатто мана шу катта пул ҳам «АҚШ учун Яқин Шарқ урушининг тўла нархига бормайди».

«Нью-Йорк Дейли Ньюс» газетасининг хабарларига кўра, АҚШнинг сионистик ташкилотлари Исроилга нўнатиш учун «кўнгиллилар» деб аталмиш кишиларни тўплашни давом эттирмоқда. Сионистлар яҳудий миллатига мансуб гражданлардан ташқари Америка ҳарбий учувчилари — Вьетнамдаги урушнинг собиқ қатнашчилари орасидан ёлланувчиларни изламоқдалар. Уларга катта-катта пул таклиф қилинмоқда.

(ТАСС).

Экспорт ошиб бормоқда

ДЕҲЛИ, 1973 йил 1 апрелда бошланган шу молия йилининг дастлабки тўрт ойи мобайнида Ҳиндистон машинасозлиги маҳсулотини экспорт қилишдан давлат хазинасига қатъий валюта ҳисобида қарийб 470 миллион рупия тушган. Бу — ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 73 миллион рупия кўпдир.

Ҳиндистон станоклари, автомобиль ва велосипедчиларнинг эҳтиёт қисмлари, электр моторлари ва пўлатдан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорида айниқса манзур бўлмоқда.

(ТАСС).

Самарали ҳамкорлик

КОНАКРИ. Гвинея Бош министри Лансана Беавоги Киндиа районида СССРнинг ёрдами билан қурилаётган боксит қазиб чиқариш комбинатига борган вақтида гапириб, Гвинея — Совет муносабатлари самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик намунасидир, деди.

Гвинея Бош министри Даболдаги боксит кони қурувчилари йиғилишида гапириб, комбинат қурилиши ишларининг боришидан мамнун бўлганлигини айтди ҳамда мамлакат президенти ва Гвинея Демократик партияси Марказий Комитети номидан гвинеялик ва совет қурувчиларини эришилган муваффақиятлар билан табриклади. У «Гвинеячилар билан ёнма-ён ишлаб ўзларининг бой тажрибаларини ва билимларини саҳийлик билан уларга ўргатаётган» совет мутахассисларининг ишига юксак баҳо берди.

Л. Беавоги, Гвинея ишчилари совет қурувчилари билан биргаликда ишлаб, орттирган тажрибаларидан фойдаланиб, ўз маҳоратларини оширишлари керак, деди.

(ТАСС).

ХОККЕЙ

Танишинг: «Бинокор»

Бир неча кун муқаддам шаҳримиз кўчаларида одатдагидан ташқари афиша пайдо бўлди. Унда «Юбилей» марказий спорт зали. СССР чемпионати. Хоккей. «Бинокор» — «Титан» деб ёзилган эди. Ҳа, Тошкентга яна хоккей ташриф буюрди. Фақат

БУГУН

чемпионатнинг биринчи ўйинида учрашадиган «Бинокор» ва «Титан» командалари қайси командалар экан, деб ҳайрон бўлманг. «Бинокор» бу — Тошкентнинг собиқ «Спартак» командаси, «Титан» эса Уралдаги Березники шаҳрининг коллективи.

Тошкент хоккейчилари ўзларининг учинчи мавсумларига қизғин тайёргарлик кўришди. Езда умумжисмоний машқларга кўпроқ эътибор берилди. Август ойининг охирларида эса машқлар бевосита муз устига кўчирилди. Бир неча контроль учрашувлари ўтказилди. «Бинокор» ЦСКАнинг ёшлар командаси устидан ғалаба қозонди. «Крылья Советов» командасига эса ютқазиб қўйди. Сентябрда тошкентликлар уч марта «Кристалл» (Электросталь) билан, икки марта Череповецкнинг «Металлург» командаси билан, Калинин шаҳри армиячилари ва Апатит шаҳри командаси билан куч синашди. Тажрибали рақиблар билан бўлган ўйинларда ҳамшаҳарларимиз фақат бир марта ғалаба қозонган бўлсалар ҳам тренерлар командаларнинг мавсумолди тайёргарлигидан қаноат ҳосил қилишди. Бунинг устига собиқ спартакчилар сафида катта ўзгаришлар бўлди. Спорт маҳорати ўсмай қолган бир қатор ўйинчилар командадан четлаштирилди. Б. Куренной, К. Юфа, А. Стеблин, А. Слухов коллективдан кетишди. Бу йилдан бошлаб В. Карнаухов рязанликлар учун ўйнайди, А. Зарубин эса Пензанинг «Дизелист» командасига тренерлик қилади.

Команда катта тренери Геннадий Иванович Андирянов «Бинокор»даги ўзгаришлар ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

— Биз бу йил тўрт учлик билан ўйнаш ниятидамиз. (олий лигадаги «Динамо» (Рига) шундай ҳаракат қилади). Алексей Гутов — Юрий Самохвалов — Фомин учлиги бизнинг зарбдор кучимиз бўлади. Фоминни тошкентликлар яхши танишади. Гутов билан Самохвалов эса илгари «Сибирь»да ўйнашган. Бутун ўтган мавсум давомида биз билан биргаликда машқ қилган бу хоккейчиларга «Бинокор»да ўйнашга рухсат берилди.

Б. Новиковнинг ҳамшериклари янги — Вячеслав Комраков ва Владимир Горбунов. Вячеслав саратовлик, ёш, жисмоний яхши чиниққан. Бунинг устига у мамлакат ёшлар терма командаси составига номзод. Яхши техникага эга бўлган ҳужумчи Горбунов Электросталнинг «Кристалл» командасидан таклиф қилинди.

Учинчи учликда ҳам ўзгариш бор. Гусев билан бирга икки дебютант — Александр Зачесов ва Владимир Полухин ўйнайди (иккаласи ҳам СКА (МВО) (Калинин)дан. Фақат Пашнин-Власкин-Титаренко учлигида ўзгариш йўқ.

Ҳимояда ҳам янги номлар бор. Ўзимизда тарбияланган Р. Камолиддинов, Ю. Микифоровский (21 ёшда, Воскресенскнинг «Химик» командасидан), В. Ларьков (Куйбишевнинг СКА командасидан) шулар жумласидан.

«Бинокор» мавсумнинг дастлабки ўн учрашувини ўз майдонида ўтказади. 23-24 октябрда «Титан» (Березники), 28-29 октябрда «Спутник» (Нижний Тагиль), 2-3 ноябрда «Строитель» (Қараганда), 14-15 ноябрда «Шахтёр» (Прокопьевск), 19-20 ноябрда «Мотор» (Барнаул) билан учрашади. Жами шарқий зона командалари 48 тадан ўйин ўтказишади.

Яна бир янгилик. Команданинг иккинчи тренери Л. Гусев коллектив билан хайрлашди. Энди Г. И. Андрияновга Валентин Григорьев ёрдамчилик қилади. Ҳа, собиқ «Спартак»нинг тажрибали ҳимоячиси энди ёш командани оёққа турғизишда ёрдам беради.

СУРАТЛАРДА: юқорида — «Бинокор»нинг иккинчи тренери В. Григорьев командасининг янги аъзолари билан, пастда — машқ пайти.

Ю. Бутусов фотоси.

Ажойиботлар

НИАГАРА ШАРШАРАСИДАГИ ҲОДИСА

НЬЮ-ЙОРК. Ҳар куни Ниагара шаршарасига келувчи минглаб сайёҳлар яқинда оз бўлмаса фожиали тугайдиган бир томошанинг шоҳиди бўлдилар. Тақа шаклида 50 метр баландликдаги қоядан пастга шиддат билан тушувчи Ниагара дарёсида 4 киши тушган ва рули бузилган қайиқ сузиб борарди. Пассажирлар сузиб соҳилга етиш учун ҳеч бир уриниб кўришмасди: бу жойдаги оқим ҳаддан ташқари кучли эди. Бунинг устига қайиқда кичик бир бола ҳам бор эди. Пассажирлар тушган қайиқ тўппа-тўғри шаршарага қараб кетарди.

Яқин атрофдаги полиция участкасидан фалокатга йўлиққан кишиларга ёрдам бергани вертолёт учиб чиқди. Аммо вертолёт сувнинг тепасида ҳавода муаллақ тўхтаб, 4 киши унинг қалқовучига ёпишганида енгил полиция вертолёти бундай оғирликка бардош беролмай, сувга тушиб кетди ва тоғлар орасига тиқилиб қолди. Лекин шу ҳам бахтсизликка йўлиққан кишиларнинг мушкулини вақтинча енгиллаштирди. Улар вертолётнинг икки учувчиси билан биргаликда машинанинг сувдан чиқиб турган қисмларини ушлаб олишга муваффақ бўлдилар.

Моторли қайиқдаги қутқарувчилар кишиларни ҳалокатдан халос этиш учун яна бир бор уриндилар. Лекин бу қайиқ ҳам вертолётга етар-етмас бирданига бузилиб қолди ва у ҳам шаршара сари оқиб кета бошлади. Қутқарувчиларнинг ўзлари сувга сакрашга мажбур бўлдилар ва улардан икки киши вертолётга етиб олди, қолган иккитаси қирғоққача сузиб боришга муваффақ бўла олди. Тез орада уларнинг қайиғи гумбурлаётган шаршара қаърига тушиб ғойиб бўлди.

Орадан бирмунча вақт ўтгач қирғоқдан вертолётга неча бор арқон ташлаб, охири уни илинтиришга муваффақ бўлинди ва саккиз киши жонини сақлаб ёпишган вертолётни қирғоққа тортиб чиқариш мумкин бўлди.

ҚОҒОЗНИНГ „АЙЛАНИШИ“

ПРАГА. Қоғоз массасини бўлғовчи босмахона бўёғи ҳозирга қадар эски газета, журнал, китоблар фақат паст сорт қоғоз ёки дағал картон тайёрлаш учугина иккиламчи хом ашё бўлиб хизмат қилишига сабаб бўлиб келар эди. Братислава Қоғоз ва целлюлоза илмий тадқиқот институтининг мутахассислари макулатурани қайта ишлаш янги технологиясини ишлаб чиқдилар. Бу технология қоғоз массасидаги босмахона бўёғини тамомила йўқотади.

Бундан бўён, дедилар чехословакиялик мутахассислар, қоғозни ўзига хос «айлантириш» имконияти вужудга келади. Макулатурага тегишли ишлов берилса, у яна босмахона қоғозига айланади ва хилма-хил босма маҳсулот сифатида яна газетхонларга қайтиб келади.

Ҳар тўғрида

◆ Горький шаҳридаги Кибернетика ва амалий математика институтида электрон-ҳисоблаш машинаси (ЭҲМ) шоир М. Ю. Лермонтовнинг танланган асарларини «ўқиб чиқди». Унинг статистик ҳисоблашича, М. Ю. Лермонтов асарларида 53 минг сўз формаси (глоссема) мавжуд бўлиб, у ярим миллион марта қўлланилган.

◆ Қадимги Мисрда ҳўкиз, тимсоҳ мушук, сигир, қарчиғай ва ҳоказоларга сиғиниш кенг тус олган эди. Муқаддас ҳайвоннинг ўлими катта мусибат ҳисобланар эди. Масалан, муқаддас ҳўкиз Аннс ўлганда, бутун Misр мамлакатида матам кунлари бошланар эди. Грек тарихчиси Геродотнинг ёзишича, мисрликлар ўғил бола ўлгандагидан кўра мушук ўлганда кўпроқ йиғлашарди.

◆ Дастлабки электрон-ҳисоблаш машинаси бўлмиш «ЭНИАК» 1944 йили ниҳоятда махфий тарзда АҚШда яратилди. У биринчи марта урушдан кейин 1946 йили намойиш қилинди. Унинг асосий вазифаси баллистик ракеталарнинг траектория ҳисобларини ишлаб чиқишдан иборат эди.

С. РИЗАЕВ.
тўплаган.

БОҒ—ДАРАХТ

Черкасснялик ҳаваскор боғбон В. С. Гречкин бир туп дарахтдан 28 хил олма ҳосили узиб олди.

Бунинг сири оддий. Василий Семенович қарийб 15 йилдан бери хонаки нав новдаларини ўрмондан кўчириб ўтказилган ёввойи олмага синчиклаб пайванд қилиб келяпти. У ёввойи ўрик, нокка ҳам шу хилда пайвандлар қиляпти. У бир дарахтга икки йил ўрик ва олхўри пайванд қилди ва ҳар йили ҳосил олиб турибди. Иккинчи бир дарахтда беш хил эрта пишар ва кечпишар нок навларини ўстирмоқда.

Ҳаваскор боғбон гулларни унутган эмас. Унинг боғида наъматакда очилаётган атиргуллар қирқиб олиб, сувга солинса, 15 кунгача гули тўкилмай туради.

К. МИЦЕНКО,
ТАСС мухбири
Черкесск.



Куз манзараси. Н. Раҳмонов фотоси.

ОЗМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

⊙ **Вақти-вақти билан оз-оз овқатланиб туринг. Истеъмол қилаётган овқатингиз ёғлиқ ва ундан тайёрланган бўлмасин. Тузи кам бўлса, яна яхши. Кўпкўп сут, сабзавот ва мевалар истеъмол қилинг. Қаттиқ нон ейиш жуда ҳам фойдалидир.**

⊙ **Овқатланаётган вақтингизда иложи борича сув ичишга одатланманг.**

⊙ **Уйдан чиқсангизу эрталаб яхши овқатланмаган бўлсангиз, ишда чарчаб қолишингиз мумкин. Шунинг учун иложи борича эрталаб тўйиб овқатланиб олинг. Кечки овқатни эса ухлашингиздан икки соат олдин унча тўйиб емасликка ҳаракат қилинг. Агар ётиш олдидан яна қорнингиз очиб, кўнглингиз бирор нарсани тусаб қолса, бир стакан қаттиқ ёки олма еб ётсангиз яхши бўлади.**

⊙ **Ҳар қандай обҳавода ҳам ярим соат бўлса-да тоза ҳавода яёв юринг.**

Суд залидан

Оналик бурчи шуми?

Мария Ганиева 1931 йилда туғилган. Катта Олмазор кўчасидаги 8- уйнинг 11-квартирасида яшайди. Унинг бўйига етган қизи ва ўғилчаси бор. Сўнгги кунларда бу кичик оила аъзолари орасида тез-тез жанжал чиқадиган бўлиб қолди. Баъзан ишга қўшнилар аралашадиган бўлишди. Чунки уларнинг ҳам ороми йўқола бошлади.

Хўш, жанжалнинг боиси нимада? М. Ганиева ёшини таниганидан бери бирор жойда қўним топиб ишламади. Меҳнат қилишдан бош тортди. У ичкиликбозликка берилиб кетди. Натижада 1968 йили олти ойга ва 1969 йили 1 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Лекин, бу қўша жазолар ҳам кор қилмади унга. М. Ганиева яна ўша «қилиғи»ни қўймади. У кўчаларда маст-аласт ҳолда ётиб қолди. Хоҳласа уйга келди, хоҳламаса йўқ. Фарзандлари тақдири билан мутлақо қизиқмади. Бунинг устига, ўз болалари кўз ўнгида беҳаёлик қилди. Уларнинг қаршилигига қарамай, бегона эркакларни уйга бошлаб келди.

Яқинда у ярим тунда маст ҳолда уйга қайтди. Қизи Л... эшикни очди. Оёқда зўрға турарди. Ёнида нотаниш бир киши. Қиз жаҳл билан индамади. Ўз ўрнига бориб ётди. Лекин, чидай олмади. Онани тартибга чақирди. М. Ганиева эса бегона эркак олдида ўз қизини куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қила кетди. Ўртада жанжал кўтарилди. Қўшнилар бу ҳақда милисия ходимларига хабар қилишди.

Мана, М. Ганиева қора курсида ўтирибди. Атрофдагиларга бефарқ қарайди. У судьяларнинг берган саволларига истар-истамас жавоб қайтаради. Гўё унинг учун ҳеч нарса бўлмаётгандек. Залда ўтирганлар эса М. Ганиева содир қилган жиноятни эшитиб, ундан жирканишади, юз ўгиришади. Суд гувоҳлар иштирокида унинг барча қилмишларини очиб ташлади ва уч йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Бир нарса ўтирганларни ҳайратга солди. Ахир, М. Ганиева ҳам она-ку? Наҳотки, у ўз фарзандлари тақдири ҳақида ўйламаса? Уларнинг келажаги билан қизиқмаса? Наҳот, оналик бурчини тушунмаса? У она деган улуғ номга доғ туширди. Буни ҳеч ким кечирмайди.

С. ҲАСАНОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ КАТТА ТЕАТРИДА — 23 ва 24 ХА **Севги тумори.** 25 ва 26 ХА **Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист В. Гринченко иштирокида** КОНЦЕРТ.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24 ва 25 ХА **Фарғона тонг отгунча,** 26 ва 27 ХА **Ужарлар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.**

Кино

23 ОКТЯБРДА

Телбалар ҳафтаси — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «КЎКЧА», «МОСКВА», Г. ГУЛОМ номли (кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (18.00, 20.00).

Синов — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун).

Саннинов ери — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун), ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (18.00, 21.45).

Эпчиллик, жаноби олийлари — «ЧАЙКА» (21.45), «ВОСТОК» (кечқурун).

Решма ва Шера — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Серафимга аталган уй — «МИР» (кечқурун).

Гул ва тош — СОБИР РАҲИМОВ номли (кечқурун).

24 ОКТЯБРДА

Телбалар ҳафтаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — Г. ГУЛОМ номли «МОСКВА», «КЎКЧА»». (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (14.00, 16.00, 18.00, 20.00).

Решма ва Шера — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» «МИР», (кундуз ва кечқурун).

Эпчиллик, жаноби олийлари — «ЧАЙКА» (12.00, 21.45).

Саннинов ери — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 14.00, 18.00, 21.45), ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Синов — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Садоқат — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Ангрен шаҳар С. Айний номли 5-ўрта мактаб томонидан Казбоев Нишонбой номига берилган 292720 номерли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИГА
Узбек ва рус тилларини биладиган олий маълумотли (журналистика ёки филология факультетларини тугатган) **инспектор КЕРАК**
Мурожаат учун адрес: «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, 2-қават, 133-135- хоналар.

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА ТОШКЕНТ БОШ УНИВЕРМАГИДА
ОШХОНА, ВАННА, БОГ ВА ТУРИЗМ УЧУН ПЛАСТМАССАДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЧИРОЙЛИ, ПИШИҚ, ЕНГИЛ ГИГИЕНА БУЮМЛАРИНИНГ
БУТУНИТТИФОҚ САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.
САВДО КЎРГАЗМАСИДА Совет Иттифоқининг 22 заводи ўзининг аъло сифатли буюмларини намойиш қилади.
Савдо кўргазмани СССР Химия саноати Министрлигининг «СОЮЗХИМПЛАСТ» Бутуниттифоқ бирлашмаси ва СССР Савдо Министрлигининг «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмаси ташкил қилган.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ
ЯНГИ ПРОГРАММА
РСФСР халқ артисти ВЕДЕНИКТ БЕЛЯКОВ раҳбарлигидаги арғимчоқда сакровчи-акробатлар.
М. Колядинский раҳбарлигидаги Тошкент Давлат цирки эстрада оркестри
Программани — режиссёр Б. ПОГОРЕЛОВ олиб боради.
Томошалар кеч соат 7 яримда бошланади.
Шанба ва якшанба кунлари томошалар кундуз соат 12, 15 минут ва кеч 7 яримда бошланади.
Олдиндан билет сотиш кассаси ҳар куни соат 12 дан, шанба ва якшанба кунлари эрталаб соат 10 дан ишлайди.
Цирк яқинида «1-Экспресс», 1, 4, 19, 24, 25, 30, 42, 45, 52, 54, 74-автобусларнинг сўнгги бекатлари жойлашган.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!
Октябрь байрами яқинлашиб келмоқда.
Дўстларингизга ва қариндошларингизга табрик хатлари, открткалар, ҳамда бандеролар юборишни
СЎНГГИ БАЙРАМОЛДИ КУНЛАРИГА ҚОЛДИРМАНГ
Уларни байрамдан 5 кун олдин, бошқа шаҳарларга эса 10 кун олдин юборинг.
Ҳамма алоқа бўлимларида 25 ДАН 30 ОКТЯБРГАЧА табрик телеграммалари ва фототелеграммалари **имтиёзли тарифда (одатдагидан 50 процент арзон ҳақда) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
Топшириш муддати кўрсатилган табрик телеграммалари фақат 30 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ
Байрамда Сиз қариндош ва дўстларингизга почта орқали пул переводларини совға қилиб юборишингиз мумкин. Пул переводларини юбориш тўғрисидаги справкаларчи хоҳлаган алоқа бўлимингиздан олишингиз мумкин. Хизматнинг бу қулай формасидан фойдаланинг.
Хат, открытка, бандерол ва посилкаларни жўнатганда алоқа бўлимининг олти рақамли индексини, ўз алоқа бўлимингиз индексини кўрсатишни унутманг. Телеграммаларда юбораётган адресингизга хизмат кўрсатадиган алоқа бўлими номерини ёзинг.
АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ! «ТАШПОЧТАМТ».

Телевизор

23 ОКТЯБРЬ

Сешанба

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.50 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 18.35 Ўқувчилар учун. «Ёш куч» спорт программаси. 19.05 «Прогресс» программаси. 19.25 «Езувчилар — пахтакорларга». 19.55 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 20.10 Рангли телевидение. «Нафосат оламида». 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Ғалабадан сўнгги жанг». Бадиий фильм, 2-серия. (рус тилида).

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.30 «Қўшиқларни чорлайди денгиз». Фильм-концерт. 19.00 «Объектив» фотоҳаваскорлар учун кўрсатув. 19.30 «Жасорат» телевизион журнали. 20.00 «Мўъжизасиз — мўъжизалар». Кинокўрсатув. 21.15 «Шу куннинг куйлари». 22.00 «Здоровье» илмий-оммабоп программа (рус тилида). 22.30 «Шеърият куни». В. В. Маяковский. 23.10 Рангли телевидение. Балет артистларининг концерти. 23.40 Кўрсатувлар программаси 23.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Учинчи программа. 19.00 дан **Тошкент кўрсатади.**

24 ОКТЯБРЬ

Чоршанба

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.30 Кўрсатувлар программаси. 12.35 Янгиликлар. 12.45 Ўқувчилар учун кўрсатув. 13.15 Рангли телевидение. «Балли, қизлар». 14.25 Москва ўқитувчилар уйи академик хорининг концерти. 14.50 «Совет характери». Телевизион очерк. Ужгороддан олиб кўрсатилади. 15.20 Рангли телевидение. Балет артистларининг концерти. 15.50 «Москва ва москваликлар». 16.25 А. С. Грибоедов «Ақллилик балоси». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 16.55 Тинчликсевар кучларнинг Москвада бўладиган жаҳон конгресси олдидан. 17.15 Кўрсатувлар программаси. 17.20 Янгиликлар. 17.30 Рангли телевидение. Болалар учун. «Қўғирчоқлар ҳузурида». 18.00 «Фан оламида». **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Болалар учун мультфильм. **Узбек тилида:** 18.45 Ўқувчилар учун «Орзу» программаси. 19.15 «Ҳаракат ҳавфсизлиги ойлиги». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 19.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ленин комсомоли мукофотига номзодлар». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўн минут музика. 21.00 Пахтакорларнинг Октябрь меҳнат рапортлари. 21.15 Инромжон Бўронов куйлайди. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Спорт программаси. 00.15 Кўрсатувлар программаси. 00.20 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 11.05 «Бобик ва Барбос». Болалар учун қўғирчоқ фильм. ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ. 11.30 Физика. «Газларнинг молекуляр-кинетик назарияси». (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 12.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 12.25 Физика. «Газларнинг молекуляр-кинетик назарияси». **Тошкент кўрсатади.** 18.30 «Созандалар музика ҳақида». СССР халқ артисткаси И. Архипова С. Раҳманинов романслари ҳақида. 19.15 Шахмат бўйича СССР чемпионати. 19.30 Рангли телевидение. «Чилининг кураш ва ташвишли кунлари». Ҳужжатли фильм премьераси. 20.30 Ўтмиш кинолентолари. «Шаҳарлар ва йиллар». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.00 «Беш йиллиннинг учинчи йили». 22.30 Рангли телевидение. «ЧАШМА» ашула ва рақс ансамбларининг телевизион конкурси. Такрорий кўрсатув.

Учинчи программа. 19.00 дан **Тошкент кўрсатади.**

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КУЧАСИ, 15-УЙ,
ИНДЕКС 64579. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р—04428. Нашр В—2321.
ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33.02-49 дан 33.02-58 гача, Эълонлар бўлими — 33.81-42.